



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 30 ” aprel

Қ-330 -son

Termiz sh.

**Музработ тумани Т.Бердиев массиви худудидан “BIRODARONI BALX” МЧЖ хорижий корхонасига “Интенсив боғзор барпо этиш”, “Зафарон ўсимлиги” экиш ва енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 апрелдаги 02-05/269-сон йиғилиш баёни, Музработ туман ҳокимининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-05/293-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Музработ тумани Т.Бердиев массиви худудидан “BIRODARONI BALX” МЧЖ хорижий корхонасига туман ҳокимлиги заҳирасидаги тупрок унумдорлиги 38,0 балл бонитетли жами 91,4 гектар, шундан 82,7 гектар суғориладиган экин ер, 2,4 гектар яйлов, 3,8 гектар ариқлар, 0,4 гектар йўллар, 2,1 гектар бошқа ерлар билан банд бўлган ер майдонлари, жумладан 855к, 860к-дала контурлардаги 20,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига “Интенсив боғзор барпо этиш” учун, 861, 862, 849, 859, 867, 857-дала контурлардаги 42,7 гектар суғориладиган экин ер майдонига “Зафарон ўсимлиги” экиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 20,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “BIRODARONI BALX” МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари Эваз Ғулом Муҳаммадга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов